

ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ”
Сентябр ойининг 2-хафтаси

Гуруҳ		катта гуруҳ _____ номли					
Мавзу		Менинг шахрим. Менинг маҳаллам.					
Давр		Сентябр 2-ҳафта					
Ривожлантириш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Боланинг аклий, жисмоний ва шахс сифатида ривожланишини таъминлаш.					
	Ижтимоий-хиссий ривожлантириш	Ватан ва маҳалла олдигадаги маъсулият хиссини тарбиялаш, шахсий ва жамоавий хислатларини шакллантириш. Узини ва атрофдагиларни ҳурмат қилиш. Экологик таълим.					
	Нутқ ва саводга тайёргарлик	Нутқни устириш, одамларга, табиатга ҳурмат туйғусини ва миллий маданиятни тушунишни шакллантириш, меҳмондустлик хиссини уйғотиш.					
	Билиш жараёни	Ватан, маҳалла ҳақидаги билимларни эгаллаш, диққат, идрок ва тафаккурни ривожлантириш.					
	Ижодий ривожлантириш	Ҳамкорлик фаолиятига ижобий муносабатни шакллантириш, ритмни сезиш ва уни мусикани хис этиш ва ритмик ҳаракатланиш жараёнида акс эттиришга ургатиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Фронтал машғулот							
Марказлардаги эркин фаолият	Қуриш-яшаш ва математика маркази	Менинг маҳаллам (маҳалламизни ободонлаштирамиз)		Мен яшаётган уй.	«Шаҳримиздаги замонавий бинолар». Жамоа иши.	Қурилиш гиштчалари, лево, конструкторлар, АКТ	
	Сюжетли роли уйинлар ва драммалаш маркази	«Дустларникида меҳмонда»			«Лолаҳоннинг тугилган куни»	Никоблар, кийимлар, ошхона анжомлари, совғалар	
	Нутқ ва савод	“Менинг қадрдон уйим” расми асосида суҳбат.	Маҳалла – кичик Ватан” мавзусида суратлар асосида хикоя тузиш.		“Қиройли уйча” эртаги асосида хикоя тузиш.	Мавзули расмлар, АКТ	
	Фан ва табиат маркази	“Қимнинг уйи мустаҳкам?” мавзусида уй макетларини тажрибада синаб қўриш.		“Тупрок, тош ва қумнинг, хоссалари”	“Нима учун шамол уйни йикитди?”.	Қамиш, ёғоч кубик, уй макетлари, тупрок, тош, қум, вентилятор	
	Санъат маркази	“Менинг уйим” мавзусида сурат қизиш		«Маҳаллам қучалари» апликация жамоа иши.	«Қўшнимнинг жониворлари» оригами.	Концелиярия моллари.	
	Мусика ва ритмика маркази	Қўшиқ тинглаш «Чайхона»	Миллий классик мусиқаларни тинглаш		Мусиқа остида ритмик ҳаракатлар	ДВД, диск, флешка.	

Сентябр 2 ҳафта

“Менинг шахрим. Менинг маҳаллам.”

Қуриш-яаш ва математика маркази:

Мавзу: “Менинг маҳаллам”.

Мақсад: Маҳалласини тасвирлай олади, маҳалласида жойлашган объектларни эслаб уни ижодий ишида намаён этади. Маҳалла ҳақидаги ўз фикрини тушунтира олади, маҳалла уйларини ясайди ва маҳалласига нисбатан меҳр, соғинч ҳислари шаклланади.

Керакли жиҳозлар: Қурилиш материаллари ва мавзу асосида намуна, уйлар акс этган расмлар.

Фаолиятни бориши:

1. Маҳалла акс этган расмни кузатиш
2. Расмдаги воқеани таҳлил қилиш
3. Маҳаллани қуришни режалаштириш
4. Қуриш яаш учун керакли жиҳозларни танлаш
5. Маҳаллани қуриш
6. Болаларнинг мустиқил фаолияти.
7. Ижодий ишни таҳлил қилиш, мустиқамлаш
8. Тайёр ҳолатга келган ишни ўртоқлашиш ва фикр алмашиш

Қушимча: Тарбиячи болалар ишларини майда уйинчоклар, дарахтлар, машиналар билан тулдиришни таклиф этиши мумкин.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қуриш-яаш давомида ижодий ёндошишига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш:

Мавзу: “Дўстимникида меҳмонда”.

Мақсад: Меҳмонга бориш ва у ерда ўзини тута олиш одобини билади, дўстона муносабатлари янада шаклланади. Дўстона муносабатда бўлиш ва бир-бирларига ғамхурлик қилиш ҳислари шаклланади.

Керакли жиҳозлар: мавзуга мос барча уйинчоклар, уй жиҳозлари, қугирчоклар, идиш-товок ва ошхона анжомлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйин учун жиҳозларни тартибга келтириш.
2. Ролларни ўзаро тақсимлаб олиш.
3. Ўйин учун шароитни яратиш.
4. Меҳмон учун дастурхон безатиш.
5. Ошхонада фаолият ташкил этиш. (овқат тайёрлаш)
6. Дўстини кутиб олиш.
7. Дўстини уйга таклиф этиш ва саломлашиш.
8. Дўсти учун нозу-неъматлар келтириш.
9. Турли мавзуларда суҳбат уюштириш.
10. Дўстини кузатиш.
11. Ўйинни якунлаш.

Қўшимча: Болаларга дўстлари кимлиги ва дўстлари ҳақида фикрларини айтишни таклиф қилиш. Дўстлик ҳақида мақоллар айтиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатига.

Тил ва нутқ:

Мавзу: “Менинг кадрдон уйим” расми асосида суҳбат.

Мақсад: Оғзаки нутқи ривожланади, “Ўз ўйинг – ўлан тўшагинг” иборасини билади, уй жиҳозларидан авайлаб фойдаланишни билади, уйни озода сақлайди.

Керакли жиҳозлар: Уйлар тасвирланган расмлар, оилавий фотосуратлар, оила аъзоларининг байрам кунлари, оддий кунлардаги ҳолатлари тасвирланган расмлар кўргазмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзусида расмларни тмоша қилиш.
2. Ҳовли ва кўп қаватли уйларни бир-биридан фарқлаш.
3. Дўстларига ўз хонасини тасвирлаб бериш.
4. Кўргазмадаги воқеа-ҳодисалар асосида ўзаро суҳбатлашиш.

Қўшимча: “Бу менинг уйим” мавзусида уй макетларини тайёрлаш ва кўргазма ташкил этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ўз ўйини ҳақидаги суҳбат чоғида боладаги эмоционал ҳолатига.

Илм фан ва табиат:

Мавзу: “Кимнинг уйи мустаҳкам?” мавзусида уй макетларини тажрибада синаб кўриш.

Мақсад: Ҳақиқий қурилиш материалларини билади, қамиш нима эканлиги ҳақида билимга эга, уй нималардан қурилса мустаҳкам бўлиши тўғрисида тасаввурга эга, қурувчи касби ҳақидаги билим ва тасаввурлари кенгаяди, уйни қуришда кетма-кетлик ва унинг асосларини билади. Келажак учун тахминий уйлар режасини ҳаёлан ва амалда ясаб кўради.

Керакли жиҳозлар: Қамиш, ёғоч кубиклар, қоғоз қутилар, уйлар расми, қамишли, қутили, ёғоч кубикдан ясалган уй намуналари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар орқали уйлар нималардан қурилиши ҳақида билим ва малакаларини ошириш.
2. Уй намуналарини кўздан кечириш.
3. Уйларни нимадан қурилганлигини таҳлил қилиш.
4. Тайёр уй макетларини бирма-бир кўпол ҳаракатлари орқали мустаҳкамлигини синаб кўриш.
5. Натижани таҳлил қилиш.
6. Мустаҳкам ва мустаҳкам бўлмаганлиги сабабини аниқлаш.
7. Ўзаро фикр алишиш.

Қўшимча: Жамоа бўлиб қамишдан чайла қуришни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Бажарилаётган ишнинг мустаҳкамлиги ва керакли жиҳозни танлашда унинг хусусиятларини инобатга олишига.

Санъат маркази:

Мавзу: «Менинг уйим» расмини чизиш.

Мақсад: Болада ижодкорлик ошади, ранглардан тугри фойдаланган холда мавзу юзасидан расм чиза олади, келажакка интилади, келажакгини олдиндан кўришни ўрганади.

Керакли жихозлар: Ок коғоз, рангли калам, рангли буёк, муйкалам, стакан сув билан, салфетка ва намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни кузатиш.
2. Тахминий режалаштириш.
3. Керакли жихозларни танлаш.
4. Ижодий иш.
5. Тайёр ишни кўшимча деталлар билан бойитиш.

Кўшимча: «Бизнинг оила учун катта уй» мавзусида жамоа иши.

Алоҳида эътибор қаратилади: Тасвирий фаолият машғулотларида мустақил ишлашига.

Тил ва нутқ:

Мавзу: “Маҳалла – кичик Ватан” мавзусида суратлар асосида хикоя тузиш.

Мақсад: Маҳалласининг номини билади, мантиқий фикрлаши ривожланади, нутқи равон, маҳалласидан фахрланиш туйғуси шаклланади.

Керакли жихозлар: Маҳалла акс этган расмли кургазма ва тарқатмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм ва кўргазмаларни томоша қилиш.
2. Расмдаги воқеа-ходисаларни таҳлил қилиш.
3. Воқеа-ходисаларни ўрганиш ва ўзининг маҳалласидаги фаолиятлар билан таққослаш.
4. Расмлар асосида хикоя тузиш.
5. Хикояларини дўстларига сўзлаб бериш.

Кўшимча: МТМ худудида жойлашган маҳаллага экскурсия уюштириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Кўни-кўшни ким эканлигини билишига ва улар билан қандай муносабатдалигига.

Илм фан ва табиат:

Мавзу: “Тупроқ, тош ва қумнинг, хоссалари”

Мақсад: Лой, қум ва тош хусусиятларини ажрата олади, турли тузулмаларни куради, тупроқдан лой ҳосил қила олади.

Керакли жихозлар: Қум, тупроқ, тош, керамзит тош, сув, челақча, кўл сочиқ ва тутқичлар (фартук).

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида марказдаги жихозларни томоша қилиш.
2. Тупроқ, тош, қумни кўли билан ушлаб кўриш.
3. Уларни ҳис қилиш. (юмшоқ, қаттиқ)
4. Қум ва тупроқни фарқлаш.
5. Керамзит ва оддий тошнинг хили ва хусусиятини ушлаш орқали ҳис қилиш.
6. Барча жихозларни бирма-бир номлаб чиқиш.
7. Олган янгиликлари билан ўртоқлашиш.

Кўшимча: Тупроқ ва қумнинг фарқини тажриба асосида аниқ фактлар билан изоҳлаб бериш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Табиий материаллар билан ишлаш жараёнида хавфсизлик қоидаларига аҳамият беришига. Уларни кўриш орқали ажрата олиш маънасининг ривожланганлигига.

Санъат маркази:

Мавзу: «Маҳаллам кучалари» апликация жамоа иши.

Максад: Жамоа фикрини тинглайди ва бир фикрга келишади, рангларни туғри танлай олади, жамоада ҳамжихатликка аҳамият беради, тенгдошлари билан бир ёқадан бош чиқаради.

Керакли жихозлар: Рангли қоғозлар, елим, А1 коғоз, маҳалла кучалари акс этган расмли кургазма.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмли кургазмани томоша қилиш.
2. Намунани таҳлили қилиш ва ижодий ишни режалаштириш
3. Ватман коғозда жамоа иши.
4. Фикрларини баён этиш, айнан нима учун шу детални чизганини изоҳлаш.
5. Ижодий ишни таҳлил қилиш.

Қўшимча: Маҳалла бўйлаб сайр уюштириш ва маҳаллада барпо этилаётган, қайта таъмирланаётган қурилиш ишлари билан таништириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Жамоа иши жараёнида ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя этишларига бир-бирларини фикрларини маъқуллашга, дўстларининг фикрларини ҳурмат қилишга.

Қуриш-яшаш ва математика маркази:

Мавзу: Мен яшаётган уй.

Максад: Қуриш-яшаш ишларини амалга оширишда аниқ ҳисобни олади, математик тасаввурлари кенгайган, қурилишдаги кетма-кетликка риоя қилади. Санок тартиб сонларни фарқлай олади. «Канча?», «Ҳисоб буйича канча?» каби саволларга жавоб беради.

Керакли жихозлар: АКТ орқали қурувчининг уй қуриш жараёни намоиш этилган диск ёки флешка. Турли хил уйлар тасвирланган расмлар, кубик ва леґо.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй қурилиш жараёнини АКТ орқали кузатиш.
2. Уй қуришни режалаштириш
3. Керакли жихозларни танлаш
4. Шинам уй қуриш.
5. Уй учун фойдаланилган материални таҳлил қилиш.
6. Натижани таҳлил қилиш ва дўстлари билан ўртоқлашиш.

Қўшимча: Мавзуга доир мультфильм намоиш этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Хотира ва эсда қолганларни қайта намайиш эта олиш қобилиятига.

Қуриш-яшаш ва математика маркази:

Мавзу: «Шаҳримиздаги замонавий бинолар». Жамоа иши.

Мақсад: Шаҳрдаги узгаришлардан хабардор, замонавий биноларни тарихий бинолардан фарқлайди, бинонинг неччи қаватдан иборат эканлигини билади, унинг қурилиши ҳақида кўриш орқали фикр юрита олади.

Керакли жиҳозлар: Куриш материаллари, кубиклар, леғолар, замонавий бинолар акс этган расмлар, 1*1 ҳажмда тайёрланган шаҳар кўчалари макети.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Мавзуга оид булган суратларни томоша килиш.
- 2.Замонавий бинолар қуриш ва шаҳарни безатишни режалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Замонавий бинолар қуриш.
5. Бинонинг мустаҳкамлигини текшириш.
6. Бинонинг қаватларига аҳамият бериш.
7. Тайёр бўлган биноларни шаҳар макетига жойлаштириш.

Кушимча: АКТ орқали шаҳардаги ўзгаришлар ва шаҳар биноларини намоиш этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Замонавий биноларнинг номланиши, улар қайси идора ёки ташкилот эканлигини билишларига аҳамият бериш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш:

Мавзу: “Лолахоннинг туғилган куни”.

Мақсад: Туғилган кунлари санасини билади. Туғилган кунни нишонлаш ҳақида маълумотга эга, совға олиш ва совға бериш қоидалари, табрик сўзларни билади.

Керакли жиҳозлар: Стол, стул, ширинликлар, Лолахон учун совға.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш.
2. Туғилган кунга бориш учун тайёргарлик кўриш.
3. Совғалар танлаш ёки ўз қўли билан ясаш.
4. Табрикнома ёзиш.
5. Туғилган кунга бориш.
6. Туғилган кун соҳибини табриклаш.
7. Ўйин қулгу қилиш.
8. Лолахонни туғилган куни билан табриклаш.

Қўшимча: “Ширин сўзлар” ўйинини ўйнаш ва дўстлари учун илиқ тилаклар билдиришни таклиф қилиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларда ўзаро бир-бирига бўлган ҳурматиға, ташаккур билдира олишиға, совға танлашда эътиборчанликларига.

Тил ва нутқ:

Мавзу: “Чиройли уйча” эртаги асосида хикоя тузиш.

Мақсад: “Чиройли уйча” эртагини билади, боғланган нутқи ривожланган, мустақил равшда эртак туза олади.

Керакли жиҳозлар: “Чиройли уйча” эртагидаги воқеаларнинг расмдаги кўринишлари, эртак китоби.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртакни ёдга олиш.
2. Расмларни томоша қилиш.
3. Воқеа-ходисани таҳлил қилиш.
4. Фикрларини жамлаш.
5. Мустақил хикоя тузиш ва дўсти билан ўртоқлашиш.

Қўшимча: Янги мавзуда мустақил эртақлар тузиш ва уларни сахналаштириб кўришни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Фантазиясининг бойлигига, жараёни тўғри таҳлил қилиши ва идрокига.

Илм фан ва табиат:

Мавзу: “Нима учун шамол уйни йиқитди?”.

Мақсад: Шамолнинг табиат ҳодисаси эканлигини билади, шамолнинг турлари ҳақидаги маълумотларга эга (бўрон, тўфон, елбизак, шабада), шамолдан келадиган хавфларни билади, мустаҳкам ва мустаҳкам бўлмаган уйларни фарқлайди.

Керакли жихозлар: Қоғоздан ва ёғоч кубиклардан ясалган уйча, вентилятор. АКТ орқали шамол турлари тасвирланган видеороликлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Видеороликни томоша қилиш.
2. Ўз фикрларини ва ҳиссиётларини ўртоқлашиш.
3. Шамол турларини бир-биридан фарқлаш.
4. Шамолнинг тезлигини аниқлаш учун вентиляторни олдида тажриба ўтказиш.
5. Шамолни ҳосил бўлишиқилиш учун вентилятордан фойдаланиш.
6. Вентилятор шамоли олдида қоғозли ва ёғоч кубикли уйчаларни қўйиш.
7. Уйчаларни кузатиш.
8. Қайси уйча бузилиб кетганлигини аниқлаш.
9. “Нима учун?” деган саволга жавоб топиш.
10. Мустаҳкам уй ҳақидаги фикрларини ўзаро таҳлил қилиш.

Қўшимча: Кўчада шамол бўлаётгани ёки бўлмаётганини ҳовлига чиқиб кузатиш. Мавжуд видеороликни қайта намоиш этиб бирма-бир ҳар бир ходисага изоҳ бериш, шамол турларини ва номларини бола онгига сингдириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Шамол ҳақида умумий тасаввурга эга бўлганига, табиат ходисаларига бефарқ эмаслигига.

Санъат маркази:

Мавзу: «Кушнимнинг жониворлари» оригами.

Мақсад: Когозни буклаш орқали узларига таниш булагн жониворларни ясай олади. Майда кул моторикаси ривожланади. Тасвирий фаолиятнинг яна бир тури оригами йўналишидаги малакалари ошади.

Керакли жихозлар: Рангли коғозлар, ленталар, тугмачалар, турли жониворлар ясалган намуналар. Намуналарни ясаш схемаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Оригами усулада ясалган уй хайвонлари намунасини томоша қилиш.
2. Режалаштириш.

3. Ижодий иш учун керакли жиҳозларни танлаш.

4. Ижодий иш.

5. Тайёр хайвончаларга безак бериш.

Кушимча: Орагами усулида ката хажмдаги буюмлар, ўйинчоқлар, хайвонлар яса шва кўргазма ташкил этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қўл маторикасининг ривожланганлигига, боланинг фазовий мўлжал олишига